


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУКУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиңга бошлаган, ҳафта бир марта чөп этилади

Ернинг ҳақиқий қиймати аниқланади ва унинг бозори шакллантирилади



Ернинг ҳисобини аниқ юритиш ва самарали фойдаланиш кишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, курилиш, геология каби кўплаб соҳалар учун жуда муҳим.

Ағросуки, геодезия, картография ва кадастр соҳасида қатор муммомлар

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июль куни ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йигилиш ўтказди.

тўпланиб қолган. Мамлакатимизда ер ҳатлови охирга марта 40 йил олдин ўтказилган. Масалан, 140 та туман мъурый чегаралари хозиргача аниқэмас. Қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби 20 йил олдин қабул қилинган ва хозирги исплоҳотлар талабига жавоб бермайди.

Кадастр идораларининг энг асосий вазифаси ернинг ҳисоби ва балансни юритиш бўлиши керак. Йил якунига қадар ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жамланган ахборот тизими ишга

туширилади. Энди ер ажратиш тўғрисидаги қарор мазкур тизимга киритилсагина ҳақиқий ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришини рақамлаштириш, келгуси йилдан ер баланси ва унинг ҳисобини Миллий геоахборот тизимидаги юритиш зарурлиги қайд этилди. Йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги майдонларини электрон тантов ва аукцион асосида ажратиш тартиби жорий қилинади.

«Ереодезкадастр» давлат қўми-тасининг тупроқ сифатини баҳолаш, ерларни ривожлантириш, экинларни

21.07.2020 йилдаги ЎРҚ-629-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун
хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

МЧЖ корпоратив облигацияларни чиқариши мумкин

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонунларга тегишли тузатишлар киритилди.

Облигация – уни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини облигацийни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигацийнинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқларини тасдиқлови эмиссиявий қимматли қоғоз.

МЧЖ бизнеснинг оммавий тури сифатида юкори инвестициявий жозабордликка эга ҳисобланади. Бирок, МЧЖ шаклидаги юридик шахслар корпоратив облигацияларни чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирда, улар учун қўшимча молиялаштириш манбалари чекланади. Шу боис тузатишлар билан масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятларга облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳуқуқи берилди.

Ушбу молиявий дастак банк кредити учун ҳақиқий муқобилга айланиши учун корпоратив облигацияларни чиқариш шартлари соддлаштирилди:

➤ корпоратив облигациялар суммаси эмитентнинг ўз капитали мидоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериси шарт;

➤ сўнгги бир йилда (илгари – сўнгги 3 йилда) рентабеллик, тўловга қобилиятилик, молиявий баркорлик ва ликвидликнинг ижобий кўрсатичларига эга бўлган эмитент томонидан чиқарилганда. Тегишинча, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хуносаси фақат облигациялар чиқарилишидан олдинги сўнгги бир йил учун зарур бўлади.

Маълумот учун: бундай ўзгаришилар ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмаларни (инфрату-

зилма облигацияларини) яратиш ва реконструкция қилишини молиялаштириша маблағларни жалб этиш учун ҳуқалик жамиятлари ва давлат корхоналари томонидан чиқариладиган облигацияларга ҳам таалуклайдир. Шунингдек инфратузилма облигациялари бўйича мажбуриятлар тўлиқ сўндирилгунга қадар уларни сутуралаш тўғрисидаги талаб бекор қилинди. Давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган ҳуқалик жамиятлари томонидан инфратузилма облигациялари Молия вазирлиги билан келишилган жадда чиқарилиши белгиланди.

Энди уларга нисбатан ҳам «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонун ва Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишиларни давлат рўйхатидан ўтказиш қоцдарида (АВ томонидан 30.08.2009 йилда 2000-сон билан рўйхатдан ўтказилган) назарда тутисланган қимматли қоғозлар эмиссияси тартиби татбиқ этилади. Қимматли қоғозлар эмиссиясине босқичларини эслатиб ўтмасиз: тегишли қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш, проспектни тасдиқлаш (оммавий жойлаштирилган тақдирда), облигациялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга қўйиш, чиқарилган ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш, чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва чиқарилши натижалари тўғрисида хабардор қилиш.

Оилавий бизнесга ишчиларни ёллашга руҳсат берилди

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳозирги вақтга қадар амалда бўлган тақиқ бекор қилинди.

Оилавий тадбиркорлик билан икки шаклда шуғулланиши мумкин:

УСТУВОРЛИКЛАР

жойлаштириш билан боғлиқ вазифалари, шунингдек, Тупроқшунослик ва агрокимё иммий-тадқиқот институти Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилиди.

Соҳадаги яна бир камчилик – баязи турдаги кадастрлар тўлиқ шаклланмаган. Масалан, автомобиль йўллари кадастри 23%, маданий мерос обектлари 32%, кувуллар 32%, шаҳарсозлик кадастри 63% шаклланган, холос. Шу боис ишчи гурух тушиб, кадастрлар базасини тўлиқ ишлаб чиқиш топшириди.

Йигилишда шаҳар ва қишлоқларда Ернинг ҳақиқий қийматини аниқлаш ҳамда унинг бозорини шакллантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

president.uz.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



➤ юридик шахс ташкил этган ҳолда – оилавий корхона шаклида. Оилавий корхоналар аввалбошдан ишчиларни ёллашга ҳақли бўлган («Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-м. 5-к.);

➤ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда – якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномага асосан. Үнда якка тартибдаги тадбиркорлик оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши акс этирилади ва биргалида бизнесни юритувши оила аъзолари кўрсатилиди. Бунда ҳозирга қадар доимий ишчиларни ёллаш тақиқланган эди (Низомнинг 8-б., ВМнинг 29.07.2009 йилдаги 216-сон қарорига ишоя).

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунга охирги چекловни бекор қилишга оид қўшимча киритилди. Энди оилавий тадбиркорлик субъектлари юридик шахс ташкил этмаган ҳолда кўйидагиларга ҳақли:

➤ биринчидан, уч нафаргача доимий ишчини ёллаш, улар билан меҳнат шартномаси тушишга. Мазкур ҳолатда Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ишчиларни ёллашган ҳолда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 31.07.2015 йилдаги 219-сон қарорига 1-шовга) кўланилди деган хулоса чиқарилиши мумкин;

➤ иккинчидан, меҳнатга лаётаки ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан болалари ва неваларининг эрини (хотинини), ақа-укалари ва опасингилларини, уларнинг хотинини (эрни) ва болала иштирокчи сифатида жалб этишга ҳақли.

Хуҗжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.07.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов.

Муассис учун мақсадли қарз

Хорижий капитал иштирокидаги компания таркибидан тене улушларга эга иккита муассис бор. Улардан бирининг устав фондидаги улуши охиригача шакллантирилмаган.

Бир муассис бошига муассиснинг устав фондини шакллантириш бўйича қарзини сўндириши мумкинми?

— Молиявий қарз шартномасини расмийлаштириш орқали сўндириши мумкин.

Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис хужжатларида белгиланган ва жамият рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 1 йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондидаги ўз хиссасини тўлиқ киритиши



керак («Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисидаги Конунинг 14-моддаси 7-қисми»). Яхни ҳар бир муассис МЧЖ УФга ўз хиссасини киритиши лозим.

Кўриб чикилаётган вазиятда муасислар ўртасида молиявий (мақсадли) қарз шартномасини расмийлаштириш мумкин, унда олингаётган пул маблаглари миқдори, уларни қайтариши муддатлари, қарз фоизи эвазига берилганда фоизлар миқдори назарда тутилиши лозим (ФК 732, 739-м.).

Ушбу қарор муассисларнинг умумий ийилишида баённома билан расмийлаштирилади, унда пул маблаглари компания УФда иккичи муассиснинг улушкини шакллантиришга йўналтирилади.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

2006 йилда корхона давлат обьектини хусусийлаштирган. Хусусийлаштириш тўғрисидаги хужжатда, шу жумладан обьект ордеридан фармойишда Давлат мулк кўмитаси томонидан обьектнинг асосий фаолиятини сақлаб қолиш ёки юритиш муддатлари белгланмаган. Корхона реконструкция қилиши орқали ушбу обьектнинг асосий фаолиятини ўзгарагтиришни режалаштирилти. Бирон-бир нормативи хукукий хужжатда обьектни хусусийлаштириша унинг асосий фаолиятини сақлаб қолиш муддатлари белгиланганни?

Давлат обьектини хусусийлаштириш шартлари

— Асосий фаолият турини муайян муддатта сақлаб қолиш шартлари ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги битимда белгиланиши мумкин.

Хусусийлаштириша оммавий мулк обьектларнинг тасаруфчилари ва янги мулкдор ўзаро мажбуриятлар ва хусусийлаштирилаётган обьектнинг муайян муддатда фаолият юритиш шартлари тўғрисидаги битим тузишлари мумкин. У кўйидаги шартларни ўз ичига олади («Давлат тасаруфидан чиқариши ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Конунинг 18-моддаси):

— корхона соҳасини, ишлаб чиқариши жаммини муайян муддатта сақлаб қолиш тўғрисидаги;

— иш ўринлари сонини сақлаб қолиш ёки ўзгарагтириш тўғрисидаги;

— маҳсулотларни муайян истеъмолчилаге етказиб бериш тўғрисидаги;

— ишчиларнинг меҳнат шароитларни, экологик хавфислизники ва атроф муҳитни муҳофаза қилишига оид чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги;

— ходимларнинг ижтимоий-маший таъминотининг ўзига хос жиҳатларига таалукли шартларни;

— бошқа ҳолатларни.

Шу тариқа, мол-милкни хусусийлаштириша ушбу шартлар келишиб олинмаган бўлса, сизда обьектнинг асосий фаолият турини сақлаб қолиш юзасидан мажбурият пайдо бўлмайди.

Қарзни соддалаштирилган тартибда ундириш

Корхонада 100 дан ортиқ дебиторлар мавжуд, уларнинг қарзи 1 млн сўмдан 4 млн сўмгача бўлган миқдорни ташкил этади. Харидор томонидан қарзни тан олиши тўғрисидаги хат мавжуд бўлганда, корхона банкка акцептсиз тўлов талабномасини беришга ва қарзни ундириш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бироқ даъво қўймати 20 БХМдан кам бўлганда иктиносидий суд даъвони одатий тартибда кўриб чиқиш учун қабул қиласиди (ИПК 203-2-м.).

Дебиторлар ўз наебатида, қарз тан олинишини имзолашдан бўйшин товлаш ёки рад этишга уринадилар, шу сабабли акцептсиз талабнома тақдим этишининг имкони бўлмайди. Кўпчилик қарздорлар узоқ ва бориши қўйин бўлган туманларда жойлашган бўлиб, корхонада ҳар бир

муайян ҳолат бўйича ходимларни хизмат сафарига юборишнинг имкони ўй.


20 БХМдан кам бўлган миқдордаги қарзлар дебиторлардан қандай ундирилади?

— 20 БХМдан ошмайдиган суммадаги қарзлар соддалаштирилган тартибда иш юритилиб ундирилади.

Иктиносидий суд иш юритишнинг соддалаштирилган тартибда юридик шахсларни нисбатан қўймати 20 БХМдан, ЯТТга нисбатан 5 БХМдан ошмайдиган даъво аризаларини кўриб чиқади (ИПК 203-2-м.).

Даъво аризаси ва унга илова қилинадиган хужжатларга кўйиладиган талаблар оддий ишларни кўриб чиқишдаги талаблар билан бир хил бўлади (ИПК

203-3-м.). Бироқ даъво аризасига қўшимча равишда жавобгарга даъво аризаси ва унга илова қилинадиган хужжатларнинг нусхалари топширилганлиги далили илова қилиниши лозим. Бундай далиллар жавобгарга топширилганлиги тўғрисидаги буюртма хат ёки имзо чектириб топширилганлиги хисобланади. Даъво аризаси буюртма хат билан юборилган бўлса, унга жавобгар томонидан қабул қиласиди олинганлиги тўғрисидаги почта хабарномаси илова қилинади.



Жавобгар буюртма хатни олишини рад этса ва бундай ҳолат қайд этилса ёки кўрсатилган манзилда жавобгар йўклиги туфайли буюртма хат қайтиб келса ва унда алоқа муассасасининг тегишили белгиси бўлса, буюртма хат етказиб берилган ҳисобланади. Даъво аризасига буюртма хат (конверт) илова қилиниши лозим (24.05.2019 йилдаги ОСПнинг 13-сонли карори 43-банди).

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

200-00-59 телефони орқали (шахарларо кўнгироқлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олиши мумкин. Ҳафтанинг 5 куни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушиқ вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

- УСТУВОРЛИКЛАР
 - Еринг ҳақиқий қўимати аниқланади ва унинг бозори шакллантирилди 1-бет
 - ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги хужжатларни тақдим этади 1-бет
 - ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ
 - Муассис учун мақсадли қарз
 - Давлат обьектини хусусийлаштириш шартлари
 - Қарзни соддалаштирилган тартибда ундириши 2-бет
 - РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР
 -

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирилса, конун хужжатларида белгилангандан ташкили ҳолларда респондентнинг хошига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслика ҳақли.

Лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:

— «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун ахоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатлашни, савдо ва хизматлар соҳасини кўплаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирларни тўғрисида»;

— Ишдан бўшатилганда асосий таътил учун компенсация

— Мехнат шартлари ўзгарагтирилганда

— Ўринидан ходимларни деқрет нафаси

— Иш ҳоли салтанамайдиган таътил ва меҳнат стажи

— Иш вақти ва тўлов мувофиқ келиши керак

— Қўшимча дам олиши куни

— Учинчи деқрет таътили 6-7-бетлар

• АВТОНОРМА

- Автомобилин сотиг оплица тўлояпар 8-бет
- Ҳорижда қандай
- Жарималар қайта тақсимланиши керак 8-бет

— Ишдан бўшатилганда асосий таътил учун компенсация

— Мехнат шартлари ўзгарагтирилганда

— Ўринидан ходимларни деқрет нафаси

— Иш ҳоли салтанамайдиган таътил ва меҳнат стажи

— Иш вақти ва тўлов мувофиқ келиши керак

— Қўшимча дам олиши куни

— Учинчи деқрет таътили 6-7-бетлар

• АВТОНОРМА

- Автомобилин сотиг оплица тўлояпар 8-бет
- Ҳорижда қандай
- Жарималар қайта тақсимланиши керак 8-бет

«Норма маслаҳатчи» газетасида Эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фоқат «NORMA davrlari nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

«КОРХОНА ЮРИСТИ» NORMA

электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Талимартарон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЛЛАРИ:

- «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини кўллаб-куватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибига солиш соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ**
- «Цемент импорти тартибини соддалашириш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИННИГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ, УЧУН АҲОЛИ, ТАДБИРКОРЛИК СУБЬЕКТЛАРИ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, САВДО ВА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-КУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, айниқса, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини кўшимча равишда кўллаб-куватлаш, уларнинг даромадларини таъминлаш, санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб ушбу субъектларни жадал қайта тиклаш, шунингдек, иш ўринларини сақлаб қолиши мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 июндан 2020 йил 31 декабрга қадар:

умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинадиган солики тўлашдан озод этилади;

жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солики тўлашдан озод этилади;

мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини кўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

ижрага берувчига 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириши мақсадида, шу жумладан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларни инобатга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиши тавсия этилсин;

б) 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналарни алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуки учун йигимни тўлашдан озод қилинади;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта даги «Коронавирус пандемияси ва глобал инцизор холатларининг итиқодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмаштиш бўйича биринч навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шугулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини 5 foizdan 3 foiziga пасайтириша доир имтиёз муддати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади;

г) умумий овқатланиш корхоналарига алкоголь маҳсулотларини етказиб бериши орқали сотиш ҳуқуки берилади.

2. Умумий овқатланиш корхоналари учун кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилган имтиёзлар ва преференцияларни

кўллаган ҳолда, уларни кичик корхоналар тоифасига киритиш мақсадида 2020 йил 1 июндан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимларнинг йиллик ўртача сони 25 нафардан 50 нафарга оширилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 юнга қадар умумий овқатланиш корхоналари карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтритилган жойлаштириш, куриш ва фойдаланиши бўйича вақтнингчалик талабларга риоя қилган ҳолда ҳамда туман (шахар) ҳокимликларини хабардор қилиш орқали иштеполчиларга овқатланиш хизматларини кўрсатиш учун ўзларига туаш бўш ер участкаларида енгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва куриш ҳуқуқига эга.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 юнгага қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб тадбиркорлик субъектларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан давлат солиқ хизмати органларини савдо муддати, маҳсулоти ва транспорт тўхтаси тақиимланмаган жойларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш орқали автодўкон, автомагазин, автотиркана, автостанцияларда фудтраклар орқали савдо қилиш хуқиқи тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ўзининг расмий сайти ва мобил иловалар орқали кўчма савдони бошлаш тўғрисида электрон хабарномаларни бепул қабул қилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки кун муддатда умумий овқатланиш корхоналарida иштеполчиларга овқатланиши ёки хордик чиқариш хизматларини кўрсатиш учун енгил конструкцияларни жойлаштириш, куриш ва уларнинг фойдаланиши бўйича вақтнингчалик талабларни тасдиқласин;

2021 йил 1 январга қадар ҳалқаро таъкибадан келиб чиқиб, умумий овқатланиш корхоналарининг мавсумий кафелари ишлами, шунингдек, кўчма савдони амалга ошириш тартибини тасдиқласин;

6. Белгилансинки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.07.2020 йилдан кучга кирди.

тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечикиригани учун жарима солинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида ахоли ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-5996-сон Фармонида белгиланган кўидиги солик имтиёзлари ва префэрэнциялари 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин:

а) мол-мулла солиги ва ер солигини тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар:

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорт корхоналари, спорт-соғомлопаштириши мусасасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, майслий хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага берини фаoliyati билан шугулланувчи юридик шахслар учун;

б) ижтимоий солик ставкасини 12 фойздан 1 фойзга пасайтириш бўйича микроформа ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акцизости маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталидаги) давлат улуши 50 фойз ва ундан ююри бўлган юридик шахслар бундан мустасно);

в) божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида ташки иктисодий фаoliyati амалга ошираётган микроформа ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечикирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушшарда тўлаш шарти билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташки) олиб киришда удирилладиган божхона бохи ва акизи солигини тўлаш муддатини кечикириши тақдим этиш;

г) микроформа ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май холатига солиқлар, пенялар ва солик қонунчилигини бузганлик учун

ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундиришни тұтхаттиш.

Белгилансин, умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий соликнинг пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатыназ кўллайди.

8. Ваколатни органлар аудиторлар, ризалторлар, баҳоловчилик, актаришлар, алтекс ва уларнинг филиаллари мудирилари, туристик ташкилотларнинг ишичилари ва гидлар (экскурсоводлар), хорижий тилларга ўқитувчиларнинг 2020 йил 1 марта тугайдиган малакавий сертификатлари муддатини навбатдаги малакавий имтиҳонларни ўтказиши санаисига қадар узайтирисин.

9. Ўзбекистон «Махалла» хайрия жамоат фондига, «Саховат» ва кўмако фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафкат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан уларнинг Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги булинмаларига беғарас ёрдам бериши (беғарас ёрдам олиш) қисмида фойда солиги, қўшилган қиймат солиги, айланмадан олинадиган солик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирисин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, 14 ёшгача болалари бўлган оиласларга нафақа, шунингдек, бола иккى ёшга тўлгуга қадар бола парвариши бўйича оналарга бериладиган нафақалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

10. Мазкур Фармонинг икросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 июль
ПФ-6029-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ АЙЛАНМАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА*

Республикада виночилик соҳасини жадал ривожлантириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда реализацияни қилиш соҳасида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмиларни ошириш; алкоголь маҳсулотлари ноҳонуний айланмасига чек қўйиш максадиди:

1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзумчикли ва виночиликини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибига солиш инспекциясини негизида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибига солиш ҳамда виночиликини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик);

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзумчикли ва виночиликини ривожлантириш агентлигининг Ўзум етишириувчилар ва вино тайёрловчиларни кўллаб-куватлашни жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибига солиш инспекциясиниң бюджетдан ташкири жамғармаси негизида Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган Виночиликини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб кўйидагилар белгилансин:

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари мәълумотлари мислий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.07.2020 йилдан кунга кирди.

чикаришда кўллалиниладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш.

3. Агентлик:

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фоалиятни лицензиянилаш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фоалиятни амалга оширувчилар томонидан лицензияни талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибида тақсимлаш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Кышлоқ ҳўялиги вазирлиги хуздигати Узумчилик ва виночиликини ривожлантириши агентлигининг кўйидаги вазифа ва функциялари Кышлоқ ҳўялиги вазирлиги хуздигати Бодорчилик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш агентлигига ўтказилсин:

узумнинг ҳўраки ва кишишибон навлари плантацияларини кенгайтириш, узумчиликни жадал ривожлантиришига йўналтирилган комплекс максадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

узумчилик корхоналарини комплекс модернизациялашга кўмаклашиш ва кўллаб-куватлаш, экспорт салоҳиятни ошириш;

хорижий ва маҳаллий таълим мусассасалари, иммий-таддиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш орқали узумчилик соҳасидаги юқори малакали мутахassisларни тайёрлаша кўмаклашши;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси билан бирталикда узум плантацияларининг электрон реестрини юритиш.

5. Бодорчилик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш агентлигининг Бодорчиллик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш жамғармаси хисобидан янги узум плантацияларини яратиш учун кўйидаги максадларда субсидиялар қонун ҳуҗжатларидан белгиланган миқдорда ажратилиши белгилансин:

ҳўраки ва кишишибон узум плантацияларida томчилатиб сугориши технологиясини жорӣ этиш;

ҳўраки ва кишишибон узум тоқозларida ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан сув етказиб бериш, артезиан қудуқлар, қувуллар ва резервuarлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос стансиялари куриш, сув сақлаш учун сиғимлар сотиб олиш.

Молия вазирлиги Узум этиштирувчилар ва вино тайёрларини кўллаб-куватлаш жамғармасига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилиши белгиланган субсидияларнинг тегиши қисмини 2020 йил 1 августдан бошлап Бодорчиллик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш агентлигининг Бодорчиллик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Бодорчилик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш жамғармаси ўртасида тақсимласин.

6. Вазирлар Мажкамаси бир ҳафта муддатда Узум этиштирувчилар ва вино тайёрларини кўллаб-куватлаш жамғармасига 2020 йил 21 июль ҳолатига маблагларни қолдигини қишлоқ ҳўялиги соҳасидаги инвестицияни пойхадларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Виночиликини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Бодорчилик ва иссиҳона ҳўялигини ривожлантириш жамғармаси ўртасида тақсимласин.

7. Шундай тартиб ўтрайтилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 августдан бошлап:

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, шунингдек умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига рухсат берувчи гувоҳнома чекланмаган муддатта берилади;

ишлаб чиқарувчilar томонидан туристик йўналишларда

ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларидаги) реализация қилинган табиий вино (қадоқлангандан ташқари) маҳсулотларига ноль даражада ставка бўйича акциз солиги солинади;

ишлаб чиқарувчилар истеъмол этил спиртининг 50 фоиз ҳакими олдиндан тўлаш шартларida реализация қилиш хукуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризми ривожлантириши давлат кўмитаси (А.А.Абдухакимов) алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга туристларни жалб қилиш учун туроператорларнинг йўналиш дастурларига корхонага тегиши дегустация ҳудудлари кирилтишини ташкиллаштирасин.

9. Агентника 2020 йил 1 октябрдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувchi корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шугулланувчи ташкилотларда тегиши лицензия ёки рухсат гувоҳномаларисиз ишлаб чиқилиш ва сотилган, идентификация воситалари билан маркировланмаган, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳақида далоп берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маҳсус ваколатли органни ҳабардор қилган хода таҳкишиларни амалга ошириши ваколати берилсин.

10. Белгилансанки, истеъмол ва техник этил спирти 2021 йил 1 июндан бошлаб реал вакт режимидаги автоматлаштирилган кутиш тизими (GPS) билан жиҳозланган ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажменин ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизими интеграция қилинган электрон ҳисоблагич ўрнатилган автотранспорт воситаларида ташилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Монополия карши курашиш кўмитаси ой муддатда маҳаллий кўпиликландиган ва табиий вино маҳсулотлари reklamasiга қўйидаги ҳолларда рухсат берилшини назарда тутувчи тегиши қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Мажкамасига кирийтсан:

мехмонхоналарда, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари савдо залининг ички қисмидаги ҳамда маҳсулотларни намойиш ва дегустация қилиш жойлариди;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқарувchi ва савдо корхоналарининг расмий веб-сайтида;

тепмир йўл ва ҳаво транспорти воситаларида;

оммавий ахборот воситаларida маҳаллий вакт билан соат 23.00дан 7.00 гача намойиш қилинишига.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim ҳуҷжатларига иловага** мувофиқ ўзгариши ва қўшимчалар кирийтсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хуздигати Алкоголь ва тамаки бозорини тартиба солиш инспекцияси фоалиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4162-сон қарори ўз қучини йўқотган деб хисоблансин.

14. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иккى ой муддатда қонун ҳуҷжатларига мазкур Фармондан келиб чиқидиган ўзгаришига ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Мажкамасига тақлифлар кирийтсан.

15. Ушбу Фармоннинг иккисини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўтринбосари ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 23 июль
ПФ-6033-сон.

**Фармонга иловга «Норма маслаҳатчи»да чол этилшиади. Ҳуҷжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЦЕМЕНТ ИМПОРТИ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ҲАМДА ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ ЦЕМЕНТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА*

Цементни импорт асосида республикага олиб киришда хўжалик юритувчи субъектларга кулайлик яратиш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ички бозорни сифатли цемент билан таъминлаш бўйича «Йўл ҳаритаси» 1-иловага** мувофиқ;

Цемент импортини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш ҳамда ички бозорда унинг сифатини назорат қилиш схемаси 2-иловага** мувофиқ тасдиqlансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Ўстандарт» агентлигининг республикага олиб кириладиган цементни эркин муомалага чиқарини соддалаштирилган тартиб асосида амалга ошириш амалийтини кўплаш тўғрисидаги таклифи маъкуллансан. Бунчада:

цемент республика ҳудудига олиб кирилгунга қадар импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъект ва хисмоний шахс (кейинги ўринларда - импорт қилувчи) томонидан ихтиёрилик асосида унинг намуналари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун сертификатлаштириш органига тақдим этилади, бунда маҳсулотни эркин муомалага чиқариш («ИМ 40» режимига ўтказиши) давлат божхона хизмати органлари томонидан тегисли мувофиқлик сертификати асосида амалга оширилади, божхона қонун ҳужжатларни бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно;

цемент аввал олиб кирилган ва охирги ўн икки ой давомида бир ишлаб чиқарувчининг цемент маҳсулотига нисбатан берилган мувофиқлик сертификати асосида (амал қилиш муддатидан қатъи назар) ушбу ишлаб чиқарувчининг кейинги маҳсулотни импорт қилувчи томонидан республика ҳудудига олиб кирилган ҳолларда «Ягона дарча» божхона ахборот тизимида маҳсулотни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун сертификатлаштириш органининг ариза бўйича кабул қилган қарори давлат божхона хизмати органлари томонидан маҳсулотни эркин муомалага чиқаришга асос блуди, божхона қонун ҳужжатларининг бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда аризада кўрсатилган мидордаги цемент сифати бўйича даврий равишда лаборатория синовлари амалга оширилади ва натижалари бўйича импорт қилувчига синов байдонномаси тақдим этилади.

Хар бир божхона юк декларацияси бўйича маълумот сертификатлаштириш органига «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали ўборилади ва цементни эркин муомалага чиқарилгандаги сертификатлаштириш органи билан импорт қилувчи ўтасида тузилган шартнома доирасида цементни хавф-хатарларни таъхил қилиш асосида даврий равишда лаборатория синовларидан ўтказилади.

3. Белгилап кўйилсинки:

лаборатория синови натижаларига кўра цемент белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган тақдирда, бу ҳадда бир кун муддатда сертификатлаштириш органи томонидан импорт қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлари, давлат

божхона қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва «Ўстандарт» агентлиги хабардор қилинади;

белгиланган талабларга номувофиқ деб топилган цементни олиб кирган импорт қилувчи опти ой муддат давомида ушбу маҳсулотни эркин муомалага чиқарishда соддалаштирилган тизимдан фойдаланишни ҳукукига эга бўлмайди;

«Ўстандарт» агентлиги хузуридан Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги конунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда - Департамент) сертификатлаштириш органларининг баҳарномасига кўра белгиланган талабларга номувофиқ бўлган маҳсулотни сотишни ва ундан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида импорт қилувчига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридан Истъемолчиликар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Департамент билан бирглалика ички бозордаги цемент маҳсулотлари сифатини ўрнини мақсадида чакана савдо шохобчаларида назорат харидларини амалга оширишнан маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиб борсин.

5. «Ўстандарт» агентлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутучи тегисли қонун лойхасини киритсин:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган цементни олиб кирглантиргани;

ички бозорда цемент маҳсулотларини чакана сотища искеъмолчиликар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конунчилик талабларини бузганлиги учун жарималар кўллаш.

6. Департамент ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридан Истъемолчиликар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга номувофиқ бўлган цемент маҳсулоти ҳамда ишъемолчиликар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конунчилик талаблари бузилишига олиб келган ҳолатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаoliyitini янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 24 апрелдан 348-сон қарорига 3-иловага** мувофиқ ўзғартириши ва қўшимчалар киритилисан.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринbosari A.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг молия-иқтиносидёт ва камбагалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosari - Ўзбекистон Республикаси иқтиносидёт тараккюёт ва камбагалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июль
450-сон.

*Уйду қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари милий базасида (*Iex.uz*) эълон қилинган ва 24.07.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1-3-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва *nrm.uz* сайтида танишиши мумкин.

Педагоглар ишига аралашганлик учун жавобгарлик

МЖТКга янги модда қўшилди ва таълим соҳасида жавобгарлик кучайтирилди (21.07.2020 йилдаги ЎРҚ-629-сон Қонун).


Таълим муассасалари педагог ходимларига куйидагиларга нисбатан суд ҳимояси кафолатланди:

➤ уларнинг касбий фаолиятига ўқувчиликнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсанадиган қонунга хилоф равишда аралашиш;

➤ унинг хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш.

Кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар учун санкциялар хукуқбузарнинг мақоми ва тақориийлигига боғлик холда ўзгарили. Фуқароларга биринчи хукуқбузарлик учун БХМнинг 5 бараваридан 7 бараваригача ва маъмурний жазо кўпланилганидан кейин бир йил давомида тақорор содир этила - БХМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – тегишинча, БХМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача ва БХМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорида жарима солинади.

Бунда педагог маъмурний баённома тузмасдан ўз аризасида хукуқбузарнинг шахси, хукуқбузарлик со-



дир этилган жой, вақт ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бошқа зарур бўлган маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилишга ҳақи.

Бундан ташҳари, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Хусусан,

а) ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурний хукуқбузарлик содир этишига олиб келиши

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЙАНГИЛИКЛАР

– БХМнинг 1 бараваридан 5 бараваригача жарима (аввал БХМнинг $\frac{1}{2}$ қисмидан 3 бараваригача бўлган);

б) маъмурний жазо чораси кўпланилганидан кейин бир йил давомида тақорор содир этилган бўлса – БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима (аввал БХМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача бўлган);

в) болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш – БХМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима (аввал БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача бўлган);

г) маъмурний жазо чораси кўпланилганидан кейин бир йил давомида тақорор содир этилган бўлса – БХМнинг 15 бараваридан 25 бараваригача жарима ёки 15 суткагача муддатга маъмурний қамоқча олиш (аввал БХМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача жарима ёки 15 суткагача муддатга маъмурний қамоқча олиш) кўпланиллади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.07.2020 йилдан кучга кирган.

Олег Заманов.

Таълим тўлови имтиёзлари: 5 та асосий хато

ДИРЕКТОР УЧУН ШПАРГАЛКА

Ўзбекистондаги олий ўкув юртида таълим олиш (ўзининг, шунингдек 26 ўшгача бўлган фарзанди ёки турмуш ўртогининг ўқиши) учун ўйналтирилдаги солиқ тўловчининг даромадларига солиқ солинмайди. Ушбу имтиёзни кўллаша ша берувчилар кўп ўйл кўйдиган хатоликлар ҳақида Юнусобод туман ДСИ бош солиқ инспектори Низомиддин Султонов сўзлаб берди.

– ЖШДС бўйича ушбу имтиёзни кўллашда ша берувчи (солиқ агенти) томонидан кўпинча қўйидаги хатоларга йўл кўйилади:

1. Иш берувчи имтиёзни кўллашда ша берувчи (солиқ агенти) томонидан кўпинча қўйидаги хатоларга йўл кўйилади

Жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбасида солиқ солиш тартиби Солиқ кодексида белгиланган. Бухгалтер 2019 йилда ва ундан аввал йўл кўйилган хатони тузатадиган бўлса, у 2007 йилги таҳрирдаги СКга амал қилиши лозим (2007 йил таҳрирдаги СК 179-м. 31-б.).

Имтиёзни амалиётда кўллашнинг жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртида таълим олиш учун йўналтириладиган маблагларга жисмоний шахслардан олинидиган даромад солиғи бўйича имтиёзни кўллаш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 27.05.2010 йилда 2107-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тартиби солади.

Ша берувчи (солиқ агенти) СКда назарда тутилган имтиёзларни кўллаши шарт. Бунинг учун ходим томонидан ариза билан бирга тақдим этилган кўйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

➤ таълим кредитини олиш учун тиҷоратни билан тузилган шартнома олиши тўғрисида тузилган кўнсаси;

➤ таълим кредитини олиш учун тиҷоратни билан тузилган шартнома олиши тўғрисида тузилган кўнсаси;

➤ таълим кредитини олиш учун тиҷоратни билан тузилган шартнома олиши тўғрисида тузилган кўнсаси;

Ходимнинг турмуш ўртогининг таълим ҳақини тўлаш чоригида ша берувчи паспорта тегишили ёзув қайд этилмаган бўлса, никоҳ тузилганилигига тўғрисидаги гуваҳномани талаб этишига ҳақли. Бироқ ҳозирга қадар ушбу норма Низомга кирилтилмаган.

Жисмоний шахс таълим ҳақини мустақил равишида тўлайдиган бўлса (нақд пул билан, банқдаги омонатларидан ва бошқа банкдаги ҳисоброқамларидан ёки пластик картадан фойдаланган ҳолда), ДСИга жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш чоригида имтиёзни кўллаш мумкин.

2. Иш берувчи имтиёзни кўллаш мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмайди

Иш берувчи турли усуслар орқали таълим ҳақини тўлашда иштирок этиши мумкин:

➤ ходимнинг аризасига биноан унинг иш ҳақидан таълим учун тўловин ўтказиш;

➤ ходимнинг олий ўкув юртида таълим олиши ҳақини тўлаш учун қайтариш шарти билан қарз (молиявий қарз) бериш;

➤ ходимнинг иш ҳақини таълим кредитини сўндиришига йўналтириш;

➤ шартнома асосида ўз маблағлари ҳисобидан олий ўкув юрти билан ҳисоб-китобни амалга ошириш.

Олий ўкув юртидаги таълим ҳақи тўлайдиган шахслар учун ЖШДС бўйича имтиёз факат биринчи учта ҳолатда кўлланилиши мумкин, сабаби - имтиёз факат ЖШДСга нисбатан татбик этилади.

Иш берувчи ўз маблағлари ҳисобидан кадрларни максадли тайёрлашни амалга оширадиган бўлса, бундай харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайди ва бинобарин, уларга нисбатан имтиёз кўлланилмайди (2007 йил таҳрирдаги СК 171-м., янги таҳрирдаги СК 369-м.).

Олий ўкув юртида таълим олиши ҳақ тўлаши мумкин бўлган шахслар рўйхати бухгалтерлар эътиборидан четда көлиши мумкин. Бир томондан, у қатъий чекланган, бошқа томондан – кодекснинг янги таҳририда кенгайтириб берилган: ходим ва фарзандларидан

ташҳари унинг турмуш ўртогининг таълим олиши учун ҳам имтиёзни кўллаш мумкин.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ва аккредитацияланган хорижий билим юрти филиалида таълим ҳақи тўланганда, иш берувчи томонидан имтиёзни кўллаш рад этилади

Низомга мувофиқ олий ўкув юрти деганда олий таълимнинг дастурларини (бакалаврият ва магистратура) амалга оширадиган, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган, ўз Устави ва Олий таълим тўғрисидаги низом (АВ томонидан 22.02.2003 йилда 1222-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосида фаолият юритувчи юридик шахс тушунилади.

Бинобарин, Ўзбекистондаги олий ўкув юртида, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ва аккредитация қилинган хорижий билим юртида таълим олаётган барча талабаларга нисбатан имтиёз кўлланилиши мумкин.

Имтиёз чет элда таълим олаётгандарга татбик этилмайди.

Олий ўкув юртида таълим олиши учун ҳақ тўлашга аксона таълим олиши учун ҳақ тўлашга аккредитация қилинган хорижий билим юртида таълим олаётган ҳолатларга тартиба солинмаган.

Мазкур ҳолатда мутахассисларнинг фикрлари турлича бўлди. Айримлар талаба Ўзбекистонда аккредитация қилинмаган хориждаги билим юртида ўқиётган давр учун имтиёз берилмаслиги керак деб ҳисоблайдилар. Бинобарлар эса барип имтиёз тақдим этилиши керак деб ҳисоблайдилар.

Мазкур масала юзасидан келишиб мовчиликларни норматив ҳужжатларда тартиба солиш орқали бартараф этиш мумкин.

4. Иш берувчи банк фоизларини сўндириш ҳисобига йўналтирилган суммага имтиёзни кўллашади

Солиқ кодексида фақат олий ўкув юртида таълим олиши учун йўналтирилган суммага имтиёз берилади.

Ўкиш ҳақини тўлаш учун банк томонидан берилган кредит бўйича фоизларга имтиёз татбик этилмайди.

5. Иш берувчи таълим ҳақини тўлаш учун иш берувчидан олинган қарз йўналтирилган тақдирда имтиёзни кўллашади

Иш берувчи ходимга олий ўкув юртида таълим олиши ҳақини тўлаш учун қарз берган. Қарзни кайтарishi шартлари шартномада келишилган. Сумма қисмларга бўлиб-бўлиб, шу жумладан кейинги йилларда қайтарилиши назарда тутилган деф фарз қўллашади. 2107-сон Низомга мувофиқ ҳисобот йилидан кейинги йилларда қайдирлайдиган қарзни суммасига имтиёз кўлланилмайди.

Хатоларни қандай четлаб ўтиш мумкин

Кийидаги иккита қоидага амал қилиш керак:

➤ ЖШДС бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини (кейинги ўринларда – солиқ чегирмаси) Ўзбекистондаги олий ўкув юртида таълим олиши учун ҳақ тўлашга аккредитация қилинган хорижий билим юртида таълим олаётган ҳолатларга тартиба солинмаган.

➤ хисобот даврида солиқ чегирмасидан турли ғойдаланилмас (жами йиллик даромад суммаси таълим учун ҳақ тўлаш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган ҳаражатлар суммасидан кам бўлган тақдирда), унинг қолдиги кейинги солиқ даврларига кўчирилмайди.

Олег Гаевий.

Ишдан бўшатилганда асосий таътил учун компенсация

Ўриндош ходим 14.06.2011 йилдан 3.06.2020 йилгача ишлаган. Ходимнинг аризасига биноан («2011 йилдан 2018 йилгача ишланган дарёда фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация тўлашинизни сўрайман») 14.06.2011 йилдан 3.06.2018 йилгача бўлган давр учун ҳар бир ўш учун 9 кун ҳисобидан 8 йилга компенсация тўлаш тўғрисида бўйруқ тузилган («фойдаланилмаган таътилнинг белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми учун компенсация ҳисоблансан»). Умумий сони – 72 кун. 2018 йилда компенсация ҳисобланди ва тўланди. Ҳозирги кунда ишдан бўшатишда у 2019 йил (24 иш куни) учун таътил пули ва 2020 йилнинг 5 ойи (10 иш куни) учун компенсация олади. Бунда у 2011–2018 йиллар учун таътил туплини тўлаши талаб қилди.

Ходимга фойдаланилмаган таътилнинг белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми учун компенсация тўланган бўлса, 2011–2018 йиллар учун таътил пулини тўлаш тўғрисидаги талаби қонунийми?

– Ходимнинг талаби қонуний.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади (МК 151-м.).

бунда белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми учун тўланган компенсация суммалари чегириб ташланади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ходимга ҳар йили 15 иш кунидан иборат таътил

берилади. Бундай таътил берилмаганлиги сабабли ишдан бўшатишда таътиллар учун компенсация тўланади.

Тўлов микдорини ходимнинг меҳнат таътили давомийлиги – 24 иш кунидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган:

1) 11.06.2011 йилдан 3.06.2020 йилгача ходим 24 иш кунидан 9 марта таътилга чиқиша ҳақли бўлган, жами – 216 иш куни;

2) улардан 72 иш куни учун компенсация тўланган;

3) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ходимга 144 иш куни (216 – 72) учун компенсация тўланиши лозим;

4) ҳисоб-китоб қилинда ходимга жами 17 ой – 34 иш куни учун компенсация ҳисобланган ва тўланган;

5) шу тариқа, корхона ходимга 110 иш куни (144 – 34) учун компенсация тўламаган.

Ходимга ҳисоб-китобни кўрсатиш ва илгари тўланган суммаларни чегирган ҳолда компенсация тўлаш лозим.

Иш берувчи фойдаланилмаган таътиллар учун белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми учун дастлабки компенсацияни тўлашда тўғри йўл

тутган.. Ходим аризани нотўри ёзган. У МКнинг 151-моддасига мувофиқ ариза тақдим этиши ва фойдаланилмаган таътиллар учун белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми учун компенсация тўлашни сўраши лозим эди.

Иш берувчи ходимнинг аризасини олганда қонун бўйича уни тўлиқ қаноатлантира олмаслиги туфайли ходимдан аризани қайтадан ёзишини илтимос қилиши ёки МКнинг 151-моддасига ҳавола қилинган ҳолда белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми тенг келадиган кунлар учунгина компенсация тўлашга қарор қилганлиги ҳақида аризага резолюция кўйиши лозим.

Бундан кейин ходимларга уларнинг ҳукуқларини тушунтиришни ва тақдим этилган аризаларнинг тўғрилигини назорат қилишни тавсия этамиз. Компенсация тўлаш тўғрисидаги бўйруқлар, таътиллардан фойдаланиш ва Т-2 шаклидаги шахсий карточкада компенсация тўлаш тўғрисидаги маълумотлар билан ходимларни имзо чектириб танишириш лозим.

Меҳнат шартлари ўзгартирилганда

Корхона Тошкентда жойлашган эди. Ҳозир юридик манзилини Самарқандга ўзгартирган.

Тошкентда ишга қабул қилинган ходимлар борасида қандай ўйл тутилади, улар корхонанинг юридик манзили ўзгарганда Самарқандга ишлашга ўтказиладими? Шартномалар қандай тартибда еа қайси асосларга кўра бекор қилинади?

– Корхонанинг юридик манзили ўзгартирилиши, бунинг устига у жойлашган шахарнинг ўзгариши иш жойи, яъни меҳнат шартларининг ўзгартирилиши ҳисобланади. Иш берувчи ходимларнинг розилигисиз шартларни ўзгартиришга ҳақли, бироқ белгиланган кўйидаги тартибиға қатъий риоя қилиши лозим (МК 89-м.):

1) меҳнат шартларини ўзгартириш хусусида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олиши шарт;

2) меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камидаги 2 ой олдин ёзма равишида огохлантириб тилхат олиши шарт. Ушбу огохлантиришида иш берувчи ходимларга янги манзилда ва янги шартларида иш таклиф этади (ходимларга хизмат турар жойлари, ётоқхоналар ҳам берилши мумкин), бунга ходимларнинг розилиги бўлиши лозим. Кўрсатилган муддатни қискартиришига факат ходимнинг розилиги билан йўл кўйилади.

3) розилик берилганда – меҳнат шартномаси шартлари ўзгартирилганлиги расмийлаштирилади (МК 96-м.). Ходим билан меҳнат шартномасига қўшимча битим тузилади ва бўйруқлар расмийлаштирилади;

4) янги меҳнат шароитларида ишлашни давом эттириш рад этилган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланган ҳолда ходим билан тузиленган меҳнат шартномаси бекор

қилинади (МК 109-м.). Мазкур ҳолатда меҳнат шартномаси бекор қилинади, бўйруқ қиқарилади, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади ва фойдаланилмаган барча меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация тўланади (МК 89-м. 4-б., 107, 151-м.). Ходимларга моддий ёрдам фойдаланиш таътилларни таътиллардан олди (МК 67-м.).

Шу тариқа, ушбу асосга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимларга қўйидаги тўловлар тўланади:

> барча иш кунлари, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун учун ходимга тўланниши лозим бўлган иш ҳақи;

> меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда мавжуд бўлган фойдаланилмаган таътиллар учун компенсация (МК 151-м.);

> огохлантириш муддати ўрнига пуллик компенсация (томонларнинг келишивига кўра);

> ходим ишдан бўшатилганда корхонанинг локал ҳужжатларида ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган тўловлар;

> ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордан ишдан бўшатиш нафақаси (МК 109-м.);

> иш қидириш даврида иккинчи ой учун тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи (МК 67-м.);

> ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидирайтган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи тўланади (МК 67-м.);

> иш берувчининг ташаббуси билан муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўланади (ушбу шарт меҳнат шартномасида мавжуд бўлганда) (МК 104-м.).

Ушбу асос бўйича ишдан бўшатилган тақдирда, фойдаланилган, бироқ ишлаб берилмаган таътиллар учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинмайди (МК 164-м. 4-б.);

5) меҳнат шароитлари оноғлай томонга ўзгарганда иш берувчи томонидан маҳаллий меҳнат органига кўпчилик ходимлар учун меҳнат шароитлари ўзгартирилигини асословчи маълумотлар тақдим этилиши шарт.

Ўриндош ходимага декрет нафақаси

Ходима ўриндошлик бўйича ишлайди, яънда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига кетмоқчи.

Ўриндошга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа берилиши лозимми? Лавозим ва касбларни ўриндошлик олиб бориш тўғрисидаги низомига кўра у бундай ҳуқуқга эга, бироқ иш берувчилар бундай тўловни тўлашга мажбурми?

– Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ҳар бир иш жойи (асосий иш жойи ва ўриндошлик олиб бўйича алоҳида тўланади).

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил нафақа тўланган ҳолда тақдим этилиши белгиланган (МК 233-м.). Нафақа тўлашда истисно ҳолатлар мавжуд эмас. Шу боис ҳар қандай иш берувчи (турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ҳамда асосий ёки ўриндошлик бўйича иш жойлари),

бундай таътилни тақдим этаётганда ходимага нафақа тўлаши лозим.

Ўриндошлика ишлайдиган аёллар асосий ва ўриндошлидаги иш жойидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақа олишига ҳақли (Низоминг 18-банди, ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган).

Ушбу нафақа ўриндошлидаги иш жойидан даволаш-профилактика муассасасининг бў-



лим бошлиғи томонидан тасдиқланган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича тўланади (Йўриқноманинг 19-банди, АВ томонидан 17.04.2015 йилда 2667-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Иш ҳақи сақланмайдиган таътил ва меҳнат стажи

Ходим корхонада 2019 йил 1 майдан 2020 йил 1 майгача ишлаган. Корхонанинг меҳнат ва жамоа шартномасида меҳнат таътилини ҳисоблаш учун стаж МКнинг 142-моддасига мувофиқ ҳисобланиси назарда тушиланган. Хусусан, таътил учун стажка давомийлиши 2 ҳафтадан ортиқ бўлган иш ҳақи сақланмайдиган таътиллар даери киритилмайди.

Ходим ишлаган даврида танаффуслар билан бир неча марта иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлган. Умумий ҳажми 84 кундан иборат, бироқ ҳар бир узлуксиз қисми 2 ҳафтадан кам бўлган, фақат биттаси узлуксиз 28 кунни ташкил этган.

Ишланган давр бўйича меҳнат таътилини ҳисоблаш учун стаждан неча кун чиқариб ташланishi лозим?

— МКнинг 142-моддаси мазмунига диган таътилнинг умумий давомийлиги кўра тақдим этилган иш ҳақи сақланмайдиган таътиллар даери ишни олинига давомийлиги 84 кундан алоҳида тақдим этилган

таътилнинг 14 кунини чегириб ташлаш лозим. Қолган 70 кун меҳнат таътилига чиқиши ёки ишдан бўшатишда фойдаланилмаган таътиллар учун пуллик компенсация олиши ҳукуқини берувчи иш даврини сурин лозим.

Шу тариқа, ходимнинг иш даври 2019 йил 1 майдан 2020 йил 30 апрелгача эмас, балки 2019 йил 9 июнданд 2020 йил 8 июлгача бўлади.

Айни пайтда битта истисно мажкуд. Караптин чораплари амал қилган даврда болалар боғчалари тарбияланувчилари ва бошлангич синф ўқувчиларининг ота-оналарига берилган иш ҳақи сақланмайдиган таътил давомийлигидан қатъни назар, меҳнат стажига киритилади. Ушбу таътилга МКнинг 150-моддаси 1-қисмидаги назарда тутилган максимал давомийлиги бўйича чекловлар татбиқ этилмайди (Низомнинг 9-банди, АВ

томонидан 28.03.2020 йилда 3227-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Шунингдек иш берувчи локал ҳужжатларида йиллик таътилларни олиши ҳукуқини берадиган иш стажига карантин ёки бошқа сабабларга кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътиллар даври ҳам кўшилишини мустақил тарзда назарда тутиши лозим (МК 142-м. З-к.).

Иш ҳақи сақланмайдиган таътилларнинг рухсат этиладиган давомийлигини (З ой) ҳисоблаш учун ходимнинг меҳнат таътилини бошлаган вақтидан буён ишлаган даврини эмас, балки иш ҳақи сақланмайдиган дастлабки таътил бошлангандан эътиборан 12 ойлик давр мобайнида қандай муддат таътилда бўлганини ҳисобга олинида ҳамда ушбу даврдаги жами кунлар сони кўшилади (МК 150-м.).

Иш вақти ва тўлов мувофиқ келиши керак

Ходим бухгалтер-кассир лавозимига ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинган. У асосий иш жойи бўйича бошқа корхонада ҳафтасида 40 соатли иш куни билан 6 кунлик иш ҳафтаси бўйича ишлайди. Ўриндошлика ишга қабул қилиши тўғрисидаги бўйруқда 0,25 ставка кўрсатилган. Ўриндошлик бўйича меҳнат шартномасида ставка кўрсатилмаган, фақат ҳафтасига 20 соатлик иш вақти режими акс этирилган. Май ойи учун табеда бир ҳафтада 20 соат ишланган иш вақти билан 6 кунлик иш ҳафтаси кўрсатилган.

Корхона 0,25 ставкага ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинган ходимнинг меҳнат шартномасида ва тегишинча, табеда ҳафтасига 20 соатлик иш вақти режимини кўрсатишга ҳақлами?

Бўйруқ бўйича 0,25 ставка белгланган бўлиб, табеда бўйича ҳафтасига 20 соатлик иш вақти кўрсатилган ҳолда қандай ҳақ тўланади?

— Йўқ, ҳақли эмас.

Ходимлар учун иш вақтнинг нормал давомийлиги ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги лозим (МК 115-м.), бу тўлиқ ставкага (1,0) тўғри келади. Ҳафтасига 20 соат эса саволда кўрсатилган чорак ставкага (0,25) эмас, балки ярим ставкага (0,5) тўғри келади. Шу боис ставка миқдорини ва иш вақти давомийлигини аниқлаштириб олиш лозим, улар бир-бирига мувофиқ бўлиши керак.

Чорак (0,25) ставка учун ҳафтасига 10 соатлик иш вақти давомийлиги меъёр ҳисобланади. Ушбу иш вақти соатларини табеда томонларнинг келишивига кўра тақсимлаш мумкин. Ўриндош учун асосий талаб асосий иш вақтидан бўш вақтда иш билан банд бўлиш ҳисобланади, унинг бир кундаги умумий давомийлиги 12 соатдан ошмаслиги лозим.

Меҳнат шартномасида ходим қандай ставкага ишга қабул қилинганлигини кўрсатиш, унинг иш вақтини ва ишланган вақтга мутаносиб ҳолда меҳнат ҳақини тўғри белгилаш лозим.

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги бўйруқ тузилган меҳнат шартномаси мазмунига мос келиши керак (МК 82-м.).

Учинчи декрет таътили

МЧЖ ходимаси ҳомиладорлик ва туғиши таътилига кетма-кет учинчи марта чиқяпти. Ҳар гал меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этияпти. Ташкилот 2 та касаллик варақаси бўйича, яъни ҳар бирда 126 календарь кун учун ҳақ тўлади.

Ташкилот учала меҳнатга лаёқатсизлик варақаси учун ҳақ тўлаши шартми?

— Ҳа, тўлаши шарт.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари сони ҳамда тегиши нафақаларни тўлаш бўйича чекловлар мавжуд эмас.

Ходима ҳомиладорлик ва туғиши таътилларининг барчасини олишига ҳақли (МК 233-м.).

Мақкур ҳолатда нафақа ходимининг ҳомиладорлик ва туғиши таътили бошланнишсанасидаги лавозим маошидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Ходима болани парваришлаш таътилида бўла туриб, ҳомиладорлик ва туғиши таътилига ишдаги 12 ойдан ортиқ муддатли танаффус билан чиқаётганилиги сабабли унга ўртача ойлик иш ҳақининг 75% миқдорида нафақа тўланади (27.12.2016 йилдаги ПК-2699-сон қарорнинг 23-банди).

Навбатдаги ҳомиладорлик ва туғиши таътили бошланган даврда ходима болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш нафақасини олаётган бўлса, ўз танловига кўра фақат бир турдаги нафақани олишига ҳақли (АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди).

Вақтинча меҳнатта лаёқатсизлик варақаси ходима ҳомиладорлик ва туғиши таътилини бериш учун асос ҳисобланади. У аризасида танланган нафақа турини кўрсатиши лозим.



Автомобилни сотиб олишда тўловлар

маҳаллий ишлаб чиқарувчидан олганда...

Чет эл ваколатхонаси (ДМ ташкил эттаган ҳолда) ўз эҳтиёжлари учун автосалондан маҳаллий ишлаб чиқарилган (GM Uzbekistan) енгил автомобилни сотиб олмоқчи.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчидан автомобиль сотиб олишда қандай тўловлар ва солиқлар тўланishi лозим?

Жисмоний шахслардан автомобиль сотиб олишдан фарқли ўлароқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситаси (дистрибьюторлик) ташкилларидан сотиб олинган автотранспортни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек йигимларни тўлаш нотариал идора, оғди-сотди шартномаси тасдиқланмаган ҳолда ДИҲХХда амалга оширилади.

Автотранспорт воситаси сотиб олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида рўйхатдан ўтказилиши лозим. ДИҲХХ органларида рўйхатдан ўтказишида техник кўрик харажатлари тўланади.

...ЎзР резиденти бўлган жисмоний шахсдан олганда

Чет эл ваколатхонаси (ДМ ташкил эттаган ҳолда) ўз эҳтиёжлари учун хорижда ишлаб чиқарилган импорт қилинган енгил автомобилни сотиб олмоқчи.

Қандай тўловлар ва солиқлар тўланishi лозим?

ЎзР резиденти ҳисобланган жисмоний шахсдан автотранспорт воситасини сотиб олишда давлат божи, герб йигими, давлат рақамини рўйхатдан ўтказганик учун йигим, автотранспорт воситасини сотиб олганлик ва вақтнча олиб кирганлик учун йигим тўланади.

Барча турдаги автомотранспорт воситаларининг оғди-сотди битимлари нотариал тасдиқланиши лозим.

Автомотранспорт воситаларига оид битимларни тасдиқланик учун давлат божи ундирилади (Миқдорлар, 6.01.2020 йилдаги УРК-600-сон Конун билан тасдиқланган).

ДИҲХХда автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишида уларга давлат рўйхат рақами белгиси берилади. Уни берганини учун йигим ундирилади (Ставкаларнинг 1-банди, АВ томонидан 21.12.2011 йилда 2303-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

монидан 21.12.2011 йилда 2303-сон билан рўйхатдан ўтказилган). ДИҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида техник кўрик харажатлари тўланади.

Берилган давлат рақами белгилари автотранспорт воситаси засининг мулки ҳисобланмагандай, балки унга қатъий мақсадига кўра фойдаланиш учун берилади (Низомнинг 27-б, ВМнинг 31.08.2017 йилдаги 683-сон қарорига 1-шлова).

Автотранспорт воситаларини сотиб олиш чоғида автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва вақтнча олиб кирганлик учун йигим ундирилади (шапари Республика ўйламармасига йигимлар эди). 2020 йилга йигим ставкалари 2016-2019 йиллар дараҳасида сақланиб колган (9.12.2019 йилдаги УРК-589-сон Конунга 15-шлова).

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.

Жарималар қайта тақсимланиши керак

Светофорнинг тақиқловчи белгисида чорраҳани тўғридан-тўғри кесиб ўтганлик учун жарималарни кўйидагича бўлиш таклиф этилмоқда: чорраҳани тўғридан-тўғри кесиб ўтганлик учун жазо чораси кучайтирилиши, эҳтиёткорлик чораларига риоя этилган ҳолда бурилиш учун жазо енгиллашибтирилиши лозим.

УХФда қизил чироқда чорраҳани тўғри кесиб ўтганлик учун жаримани бирйўла 5 минг рублага ошириши, бунда тақор содир этилган хукуқбузарликлар учун

ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш чораларини саклаб қолиш таклиф этилмоқда.

Бироқ светофорнинг тақиқловчи сигналида ўнга бурилганлик учун 1 минг рубль (500 рубль – зудлик билан тўлов тўлаганликни ҳисобга олган ҳолда) жарима солиш ва бундай хукуқбузарлик учун гувоҳномадан маҳрум қилишини санкциялар рўйхатидан чиқариш тақлиф этилмоқда.

Хозир светофорнинг тақиқловчи сигналида юрганлик учун жарима 1 минг рублни ташкил этиди. Бир йил ичиди қизил чироқда қайта ўтганлик учун жарима 5 минг рублни жарима солинади ёки хукуқбузарлик инспектор томонидан қайд этилганда 4 ойдан бўйича хайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилади.

«Автомобилчилар хукуқларини химоя қилиш» Умумrossия халқ фронти (УХФ) ишчи гурухи шундай ташаббус билан чиқди.

ХОРИЖДА ҚАНДАЙ

Шуматовнинг сўзларига қараганда, «ўнгта хавфсиз бурилиши»нама ошираёттанингизда сиз транспортни ўтказиб юборишида чапга қарайсиз, шу пайтда ўнг томонингиздаги стрелка ўчиб колиши мумкин, сиз бўш ўйда 5 км/соат тезлик билан буриласиз ва шу ондаёк нарироқда турган инспекторларнинг назарига тушасиз. ЙИҲКни кўпоп равишида бузган ҳисобланасиз.

Шунингдек УХФ раҳбарҳи экспертлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мухим шарт киртилиши тақлиф этилганлигини кўшимча қилди. Унга мувофиқ қоидабузарлик қайд этилиши чоғида светофор носоз бўлганда ва буни видеорегистратор ёзуви ёрдамида исботлаш мумкин бўлганда ҳайдовчилик жаримага тортилмасликлари лозим.

Манба: mail.ru.